



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz


2008 йил 11 июль, № 136 (4546)

Жума

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

КЕЛАЖАГИМИЗ БУНЁДКОРЛАРИ

10 июль куни
Ўзбекистон Республи-
каси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси-
нинг навбатдаги
мажлиси бўлиб ўтди.



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Мажлиси Олий Мажлис
Қонунчилик палатасининг Спи-
кери Д. Тошмухамедова олиб
борди.

Мажлисида Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси Демокра-
тик институтлар, нодавлат таш-
килотлар ва фуқароларнинг
ўзини ўзи бошқариш органла-
ри қўмитаси раиси А. Саидов
сўзга чиқди. Нотиқ мустақил-
лик йилларида мамлакатимизда
демократик институтларнинг
ривожланган тизimini барпо
этиш буйича изчил иш олиб
борилганлиги алоҳида аҳами-
ятга эга эканлигини таъкидла-
ди. Ўзбекистоннинг иқтимоий
ҳаётида нодавлат нотижорат
ташкилотлари алоҳида ўрин ту-
тади. Мамлакатимизнинг ҳамма
жойида «Кучли давлатдан кучли
фуқаролик жамияти сари» при-
нципи қарор топмоқда, сиёсий
партиялар, нодавлат нотижорат
ташкилотлари, оммавий ахборот
воситалари, фуқароларнинг
ўзини ўзи бошқариш органла-
ри ва фуқаролик жамиятининг
бошқа институтлари мустақам-
ланмоқда. Фуқароларнинг жа-
моат ва давлат ишларини бош-
қаришда, мамлакатимизда
амалга оширилётган ишлорларда
фаол иштирок этишдан
иборат конституциявий ҳуқуқла-
рини таъминлаш мақсадида
«Нодавлат нотижорат ташкилот-
лари тўғрисида»-ги, «Жамоат
фондлари тўғрисида»-ги, «Но-
давлат нотижорат ташкилотла-
ри фаолиятининг кафолатлари
тўғрисида»-ги қонунлар ва бош-
қа қонун ҳужжатлари қабул
қилинди.

Мажлисида сўзга чиққан бар-
ча сиёсий партиялар фракция-
ларининг вакиллари жамияти-
мизни янада демократлашти-
риш ва эркинлаштиришда, Олий
Мажлис Қонунчилик палатаси
ва Сенатнинг 2005 йил январ-
да бўлиб ўтган қўшма маж-
лисида мамлакат Президенти
Ислом Каримов томонидан ил-
гари сурилган мустақил Ўзбе-
кистонни ривожлантириш дав-
турини амалий рўйбга чиқариш-
да нодавлат нотижорат ташки-
лотларининг роли ортиб бора-
ётганини таъкидладилар.
Бунда депутатлар ННТ ўз ол-
дида турган вазифаларни ҳал
этишда уларга маҳаллий ҳоки-
мат вакиллик органларини,
оммавий ахборот воситалари-
ни жалб этган ҳолда доимий
амалий ёрдам бериш зарурли-
гига эътиборни қаратдилар.

Ушбу масалани муҳокама
этиш ақуларига қўра, Ўзбеки-
стон Республикаси Олий Маж-
лиси Қонунчилик палатаси Ке-
нгашининг ва Ўзбекистон Рес-
публикаси Олий Мажлиси Ке-
нгашининг 2008 йил 3
июль куни бўлиб ўтган қўшма
мажлисида Ўзбекистон Респу-
бликаси Олий Мажлиси ҳузури-
да Нодавлат нотижорат таш-
килотларини ва фуқаролик жа-
миятининг бошқа институтла-
рини қўллаб-қувватлаш жамо-
ат фондини, шунингдек, Фонд
маблағларини бошқариш буйи-
ча Парламент комиссиясини
тузиш тўғрисида қарор қабул
қилинди. 2008 йил 10 июль куни
парламент палаталари Кенга-
шларининг қўшма қарори билан
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси ҳузуридаги Нодав-
лат нотижорат ташкилотларини
ва фуқаролик жамиятининг
бошқа институтларини қўллаб-
қувватлаш жамоат фонди тўғ-
рисидаги қарор қабул қилинди.

(ЎЗА).

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик

Европаинг Испания ва Чехия мамлакатларидан
келган талабалар «Ерасмус Мундус» талабалар
алмашинуви дастури доирасида Урганч давлат
университетида математика, география ва экология
бўйича тахсил олишмоқда.

Жумладан, Испаниядан келган Карлос Ламас Фер-
нандос ва Нестор Леон Дельгадо математика факультетида
билим олаётган бўлса, чехиялик Роман ва Лен-
ка география факультети ҳамда УрДУ қошидаги ил-
мий тадқиқотлар маркази — UNESCO/ZEF ўзбек-не-
мис лойиҳаси доирасида олиб борилаётган қишлоқ
ҳўжалиги ва экология соҳаларидаги машғулотларда
фаол иштирок этмоқдалар.

Пўлатбек БЕКМЕТОВ.

БУХОРО ВИЛОЯТИ КОГОН ТУМАНИДА СОДИР БЎЛГАН ФАВҚУЛОДДА ВОҚЕА Тўғрисида АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси
Фавқулодда вазиятлар вази-
рлигининг маълумотига
қўра, 2008 йил 10 июль ке-
часи Мудофаа вазирлигининг
Бухоро вилояти Когон тумани
Фавқулодда ҳодисани бар-
тараф этиш учун Мудофаа
вазирлиги ҳарбий хизматчи-
лари, вилоят фавқулодда ва-
зирлиги ва ички ишлар бош-
қармалари ходимлари жалб
қилинган.

Дастлабки маълумотларга
қараганда, портлаш натижаси-
да 3 киши ҳалок бўлган, 21
киши жабрланган. Жабрланган

ҳарбий хизматчилари томони-
дан воқеа содир бўлган жой
ўраб олинган. Воқеа содир
бўлган жойнинг яқинида яшай-
диган аҳоли хавфсиз жойга
кўчирилган.
Фавқулодда ҳодисани бар-
тараф этиш учун Мудофаа
вазирлиги ҳарбий хизматчи-
лари, вилоят фавқулодда ва-
зирлиги ва ички ишлар бош-
қармалари ходимлари жалб
қилинган.
Дастлабки маълумотларга
қараганда, портлаш натижаси-
да 3 киши ҳалок бўлган, 21
киши жабрланган. Жабрланган

(ЎЗА).

Мустақиллик
— бизнинг
борлигимиз,
шону
шухратимиз,
эркин ва фаровон
келажагимиз
гаровидир

Шижоат

Истиқлол туфайли
эртанги кунимиз фарога-
ти интилувчан, қатъият-
ли ва юксак салоҳиятли
ёшлар тақдирига эш
бўлди. Зеро, бугун
Юртбошимиз раҳнамо-
лигида амалга оширила-
ётган барча эзгу сая-
ҳаракатлар эртаминг
эгаларининг ёруғ кела-
жаги учун асос бўлиб
хизмат қилаётгани бар-
чамизга аён. Эл-юрт
ишончини оқлаш масъ-
улиятини ҳис этган
шижоатли йигит-қизла-
римиз бу ғамхўрликлар-
га жавобан дадил инти-
лишда, ўқиб-изланишда
давом этмоқдалар.



Суратда кўриб турганимиз мана бу илм-
га чанқоқ ёшлар Тошкент архитектура ва қури-
лиш институтида таълим олиб, магистрлик
илмий даражасига эришдилар. Уларга тантанали
сурбатда диплом топшириш маросими
ота-оналар, устоз ва мураббийлар иштиро-
кида ўтказилди.
— Жорий ўқув йилида 17 мутахассислик
бўйича таълим олган жами 72 нафар талаба-
га магистрлик дипломи топширилди, —
дейди ўқув юрти магистратура бўлими муди-
ри Ислом Давлетов. — Илмий изланишлар
чоғида таниқли профессор-ўқитувчилар билан
бирга ишлаб чиқариш билимдонлари ҳам би-
тирувчиларга яқиндан кўмак беришди. Шу
боис, кўпгина тадқиқот ишларида янгилик ва
ўзига хос ёндашуви кўриш мумкин. Хусусан,
бино ва иншоотлар, ландшафт архитектура-
си йўналишлари ҳамда қурилишда менежмент,
қурилиш тармоқлари иқтисодийти мавзулари
бўйича олиб борилган тадқиқотлар илмий ке-
наш аъзолари томонидан юқори баҳоланди.
Архитектура факультети магистранти Шах-
ло Убайдуллаева ҳам магистрлик диссертаци-
ясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Унинг
«Халқ архитектураси: Абдулла Бобохонов ижо-
дида аънана ва замонавийлик» мавзусида
олиб борган илмий тадқиқоти қўлланма сифа-
тида чоп этилиш арасида турибди.
— Бугун қурилиш соҳасида миллий ва за-
монавий услуб уйғунлигини таъминлашга жид-
дий эътибор қаратилмоқда, — дейди би-
тирувчи қиз. — Бу борада, айниқса, миллий
меморичлигимиз аъналаридан самарали
фойдаланиш мумкин. Негачи, ўзбек меймор-
лари ижодида миллий рух, ўзига хос услуб

яққол кўзга ташланади. Илмий тадқиқотимда
биринчи ўзбек архитекторининг иш услуби-
даги айни жиҳатларни кашф этишга ҳаракат
қилдим.
Ха, бундай изланувчан ёшларга ҳар қанча
ҳавас қилсак, арайиди. Зеро, бу кун улар
қалбида миллимизга хос бунёдкорлик, яра-
тувчанлик, буюк келажак қуришга интилиш-
дек эзгу орзу-ниятлар куртак ёзапти...

Муборак ОХУНОВА.
Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИНГ РИВОЖИ

мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига хизмат қилади

Олий Мажлис Сенати ўзининг ўн тўртинчи ялпи мажлисида
мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодий ҳаётига доир қатор қонунларни
маъқуллади. Шулар қаторида «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги
Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам бор.

Қимматли қоғозлар бозори
сўнгги йилларда юқори суръат-
ларда кенгаймоқда. Иштирок-
чилари кўпайиб, иқтисодийти-
мизнинг ривожига ижобий таъ-
сир кўрсатаётди. Албатта, бун-
да кўпгина ийрик ва етакчи
корхоналар ўз ақцияларини му-
омалага чиқариши, уларни
фонд ҳамда инвестиция бозор-
ларида жойлаштириши муҳим
аҳамият касб этмоқда. Зеро,
бу узок муддатли инвестиция
маблағларини жалб қилишга
туртки бермоқда. Мухбиримиз
мана шу соҳанинг ягона
ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат
қиладиган ушбу Қонун ҳусуси-
да Сенатнинг Бюджет ва иқти-
содий ишлорлар масалалари
қўмитаси аъзоси Абдурашид
АЛТИЕВ билан суҳбатлади.
— Фонд бозорини янги-янги
мулкдорларнинг пайдо бўлиши
ва уларнинг ушбу бозор имко-
ниятларидан фойдаланиб, мо-
лия бозорининг тўлақонли иш-
тирокчилирига айланишлари
учун мустаҳкам қонунчилик
асослари яратилиши лозим эди,
— дейди Абдурашид Султоно-
вич. — Негачи, таҳлиллар шуни
кўрсатдики, бирламчи ҳамда ик-
киламчи бозорлардаги қиммат-
ли қоғозлар билан савдо ай-
ланмаси 2003-2005 йилларда
80 млрд.дан 150 млрд. сўмга
— дейди Абдурашид Султоно-
вич. — Негачи, таҳлиллар шуни
кўрсатдики, бирламчи ҳамда ик-
киламчи бозорлардаги қиммат-
ли қоғозлар билан савдо ай-
ланмаси 2003-2005 йилларда
80 млрд.дан 150 млрд. сўмга
мақсади қимматли қоғозлар
бозори фаолияти ва у билан
боғлиқ муносабатларни тартиб-
га солуви амалдаги 4 та қонун
— «Қимматли қоғозлар ва фонд
биржаси тўғрисида»ги, «Қим-
матли қоғозлар бозорининг фа-
олият кўрсатиш механизми
тўғрисида»ги, «Қимматли қоғоз-
лар бозорини депозитарийлар
фаолияти тўғрисида»ги, «Қим-
матли қоғозлар бозорини ин-
весторлар ҳуқуқини ҳимоя
қилиш тўғрисида»ги қонунлар
меъёрлари негизда ишлаб чи-

қилган, десак, муболаға
бўлмайди. Мамлакатимизда
амалга оширилётган кен қам-
ровли иқтисодий ишлорларнинг
турли босқичларида қабул
қилинган ва амалиётга кири-
тилган ушбу меърий ҳужжат-
лар ўша босқичларнинг ҳусу-
сийлари, талаб ва шартлари-
дан келиб чиқилган ҳолда иш-
лаб чиқилган. Ушбу қонунлар
нормаларининг тарқоқлиги,
ҳаволаийлиги ва бир-бирини
тақорлаши ақциядорлар, қим-
матли қоғозлар бозори ишти-
рокчилари, давлат органлари
томонидан уларни қилиш
ва айниқса, амалиётда қўллаш
жаҳраида турли ноаниқлик
ҳамда тортишуви ҳолатларини
келтириб чиқарди.
Мана шуларнинг олдини
олиш, қолаверса, бу борадаги
қонунчиликни сифат жиҳатидан
янгилаш ва такомиллаштириш
мақсадида ривожланган мам-
лакатлар қимматли қоғозлар
бозорининг фаолият кўрсатиш
механизми, уни тартибга со-
лишга оид қонунчилик ҳужжат-
лари таҳлил қилиниб, миллий
таҳрибамиз билан бойитилди.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

Талаба-ёшлар ташаббуси

«Камолот» ёшлар иқтисодий ҳаракати Наманган
вилояти кенгаши ташаббуси билан тузилган «Бунёдкор»
талаба-ёшлар меҳнат гуруҳи шаҳар ва туманлардаги
ийрик қурилиш иншоотларига жўнаб кетди.

Вилоят марказидаги учта олий ўқув юртининг 242 нафар
талабаси ёзи таълини вилоятда барпо этилаётган касб-
хунар коллежлари ҳамда умумтаълим мактабларида ўтказишга
аҳд қилишди. Уларнинг 81 нафари қизлардан иборат.
Бунёдкор талабалар бу ерда қурувчиларга яқиндан кўмак
бериш баробарида моддий имкониятларини янада яхшилаб
оладилар.

Қудратилла НАХМИДНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янги ускуна афзаллиги

Термиздаги кўп тармоқли тиббиёт маркази
вилоятнинг бун шифохонаси ҳисобланади.
Мустақиллик йилларида шифохона замонавий-
лашди, бўлимлари илгор тиббий асбоб-ускуналар
билан жиҳозланди.

Даволаш муассасасининг
таъхис ва таҳлини имконият-
лари ошди.
Кунни кеча бу ерга Гол-
ландияда ишлаб чиқарил-
ган «Brillians-CT-6» ру-
сумли компьютерли то-
мография ташхис аппа-
рати ўрнатилди.
— Аппаратни махсус
тайёргарликдан ўтиб кел-

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бўш иш ўринлари ярмаркаси

Самарқандда «Битирувчи — 2008» ҳамда
«Бўш ва квота иш ўринлари ярмаркаси» ўтказил-
ди. Унда 180 та корхона ва ташкилот 790 та бўш
иш ўрни билан иштирок этди.

Шу кунни ярмаркада иштирок этганларнинг 169 нафари «Эл-
холдинг», «8 Март», «Бофанда» ва вилоят шошилинч тез тиб-
бий ёрдами маркази каби корхона ва муассасаларда ишлашга
йўлланма олди. Касб-хунар коллежларидаги 1800 нафар
битирувчисига ўзларига мос йўналишлар ҳусусида маслаҳат-
лар берилди.
Пастдарғом туманида ташкил этилган шундай ярмаркада
100 га яқин фуқаро доимий иш билан таъминланди.

Абдурашул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонининг ижроси юзасидан жойларда турли тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашув ва мулоқотлар давом этмоқда.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ СЕМИНАР

Нукус шаҳрида бўлиб ўтган семинар инсон
ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда оммавий
ахборот воситаларининг ўрнига бағишланди.
Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахбо-
рот воситалари ва ахборот агентликларини
қўллаб-қувватлаш жамоат
фонди директори Ж. Ҳақимов
ва бошқалар мамлакатимиз-
да ҳуқуқий-демократик жамият барпо этиш,
аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъмин-
лаш, манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя
қилиш, ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш каби
устувор вазифаларга алоҳида эътибор қар-
тилаётганини таъкидладилар.

таси раиси ўринбосари Х. Қобулов, Ўзбекистон
журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Гуло-
мов, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ах-
борот воситалари ва ахборот агентликларини
қўллаб-қувватлаш жамоат
фонди директори Ж. Ҳақимов
ва бошқалар мамлакатимиз-
да ҳуқуқий-демократик жамият барпо этиш,
аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъмин-
лаш, манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя
қилиш, ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш каби
устувор вазифаларга алоҳида эътибор қар-
тилаётганини таъкидладилар.

Фармон ва ижро

Коракалпоғистон Республикаси Жўқорги Ке-
нгеси қўмита раиси К. Рейимов, Коракалпоғис-
тон Республикаси конституциявий назорат қўми-

да ҳуқуқий-демократик жамият барпо этиш,
аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъмин-
лаш, манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя
қилиш, ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш каби
устувор вазифаларга алоҳида эътибор қар-
тилаётганини таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИНГ РИВОЖИ

мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига хизмат қилади

(Давоми. Боши 1-бетда).

— “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг маъмурият ҳолати, унда илгари сурилган талаблар ҳусусида ҳам тўхталсангиз?

— Мазкур Қонунга кўра, ҳисдорлар ва сармоядорларни акциядорлик жамияти фаолиятига оид маълумотлар билан таъминлаш мақсадида қимматли қоғозлар бозорининг барча иштирокчилари томонидан ахборотни ошқор этиш мажбурий қилиб белгиланди. Шунингдек, ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси негизда марказий рўйхатга олиш тизими жорий қилинмоқда. Бу билан қимматли қоғозларни ҳисобга олиш ва ҳисобини юритиш тизими соддаштирилди.

Мавжуд молиявий инструментлар ҳамжи Марказий банк облигациялари ва ипотека облигациялари турлари билан кенгайтирилди. Қимматли қоғозларни муомалага чиқариш усулини соддаштириш учун илгари муомалага киритилган нақд корпоратив қимматли қоғозларни нақдсиз шаклга ўтказиш ва уларни кейинчалик нақдсиз шаклда чиқаришга оид норма белгиланди ҳамда акцияларнинг қўшимча чиқарилиши учун давлат божи суммаси 0,1 фоиздан 0,01 фоизга туширилди.

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида ваколатли давлат органлари ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви жорий қилиш ҳам назарда тутилган.

Шу билан бирга, қонунга қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг бирлашмалари (уюшмалари) фаолиятини тартибга солишга оид меъдалар киритилиши, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, вазифалари ва ваколатлари белгиланган бўлди.

— Қимматли қоғозларни ҳисобга олиш ва ҳисобини юритиш тизимининг соддаштирилиши инвесторга қандай наф беради?

— Бунда, аввало, сармоядор вақт ва молиявий харажатлар сарф қилишга мажбур бўладиган акциядорлар реестрига кириш каби мураккаб тартиб-таомилдан халос этилмоқда. “Бир ойнага мурожаат қилиш” тамойили асосида қимматли қоғозлар бозорининг битта институти

томонидан инвесторга зарур бўлган барча хизматлар кўрсатилади. Бу билан унинг фонд бозорига ишончи ва эркин киришига зарур ва қўлай шарт-шароитлар яратилмоқда.

Қонунда қимматли қоғозлар эгаларининг шакллари реестри эмитентга бевосита ёки вакил қилинган трансфер-агент орқали тақдим қилиниши белгиланган бўлди. Мазкур механизм реестрда тааллуқли ахборотнинг четга чиқиб кетиши билан боғлиқ хавф-хатарларни камайтириш, амалдаги реестрни юритиш тизимига ўқайдиган қарама-қаршиликларни бартараф қилиш имконини яратди. Ҳисобга олиш тизими қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ жараён сифатини яхшилашга, тезлаштиришга ва соддаштиришга, қимматли қоғозларнинг чиқарилиши, муомаласи, сақлалиши ва ҳисобга олиниши билан боғлиқ бўлган хавф-хатарларни ва харажатларни камайтиришга хизмат қилади.

— Эндиликда бу соҳада фақат профессионал соҳада турғина лицензияланди, шеклими?

— Ҳа. Ушбу Қонун билан киритилган яна бир ўзгаришнинг ҳусусияти шундаки, қимматли қоғозлар бозорига фаолият кўрсатаётган ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий мақоми эмас, балки улар томонидан қимматли қоғозлар бозорига амалга ошириладиган профессионал фаолият тури лицензияланганидан бўлди.

Шу билан бир қаторда, востанчилик фаолиятини амалга оширадиган қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини фақат мустақил юридик шахс шаклида ташкил қилиш мажбурийлати киритилмоқда.

Қонуннинг кўча кириши мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорининг иқтисодий тараққиётига мавқенин мустаҳкамлайди, унинг ишловлар жараёнига иқтисодий таъсир ўтказишга туртки беради. У, қолaversа, фонд бозорига инвесторларнинг ишончи ва эркин фаолият юритишини кафолатлайди. Айни пайтда, ушбу ҳужжат ҳусусий мулкдорлар қўламини янада кенгайтириб, уларнинг иқтисодийдаги саломатини оширади ҳамда соҳада соғлом рақобат муҳити шаклланиши учун муҳим ҳуқуқий замин яратди.

Қобил ХИДИРОВ сўхбатлашди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ СЕМИНАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин қўрилган биринчи халқаро ҳужжат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлди. Ушбу декларация қондилари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини топган.

Тадбирда мазкур халқаро ҳужжатнинг маъмурият ҳолатини кенг тарғиб этиш, унда илгари сурилган инсонларварлик гояларини аҳоли, айниқса, ёшлар оғинга чуқур синдириш масалаларига Ўзбекистонда кенг эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди. Бунда оммавий ахборот воситаларининг ҳам муҳим ҳиссаси бор.

Семинарда, шунингдек, босма оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солиш, медиа-бизнесни ташкил қилиш ва юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, тахририят фаолиятининг иқтисодий асослари, менежмент, босма оммавий ахборот воситаларида тахририят-ноширлик маркетинги, реклама-тижорат фаолиятини режалаштириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

А. ОРТИҚБОВ, ЎЗА мухбири.

Газетада босилмади, аммо...

Сурхондарё вилояти, Қўمқўрғон тумани “Пахтабод” маҳалласида Истиқомат қилувчи Э.Жумаев “Одил қизи Сайёра” хусусий ишлаб чиқариш фирмасига қаршли ер майдонлари ноқонуний тарзда сотиб юборилгани ҳусусида тахририятимизга шикоят хати йўллаганди.

Ер эгасига қайтарилди

Мазкур шикоят юзасидан Сурхондарё вилояти прокуратурасидан келган расмий жавобда, жумадан, шундай дейилди: “Аниқланишча, туман ҳокимиянинг қарорига асосан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш учун акратив берилган ер майдонлари ҳақиқатан ҳам Одил қизи Сайёра номи хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Б.Бобомуродова томонидан айрим фуқароларга бериб юборилган. Шунингдек, у фирманинг маълумий биносидан ноқонуний фойдаланиб, оила аъзолари билан яшаб келган. Бундан ташқари аргўй Э.Жумаевга хусусий мулк қилиб берилган эски бино ва ер майдонини ҳам ўзбошимчилик билан эгаллаб олиб, фойдаланган.

Мазкур ҳолат юзасидан туман прокуратура томонидан Б.Бобомуродовага нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Сурхондарё вилояти прокуратура, адлия катта маслаҳатчиси Д. АБДУРАХМАНОВ.

Гулном МИРЗО, ЎЗА шарҳловчиси.

қўллаб-қувватлаш борасидаги механизм ўз вақтида ва тўғри йўлга қўйилган.

Албатта, истиқболда бу борадаги ишлар янада такомиллашади. Давлат фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашда давом этади. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил

Парламент комиссияси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига тақсимлаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилди. Бундай ишлар ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари талабномалари ва Парламент комиссияси қарорларига мувофиқ субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртма тарзида амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш орқали демократик ислохотларни амалга ошириш ҳамда ундан қўзланган мақсадга эришиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг, шунингдек, Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг тузилиши давлат ва жамият, кенг жамоатчилик ўртасидаги муносабатларини янада либераллаштиришга ҳамда бошқарув самарадорлигини ва таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади.

Насимжон АЛИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати.

3 июлда қабул қилинган “Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарори ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу Қарорда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш республикамизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ишларини янги босқичга кўтари. Зеро, бу соҳада катта бир кадам қўйилди: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, шунингдек, Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилди. Фонд ва

Мушоҳада

Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб, ушбу тизимнинг юртимизда жорий этилганини

га олиш жоиз. Зеро, Ўзбекистонда бу институт ишини тўла тартибга соладиган, қўллаб-қувватлайдиган қонунчилик асослари яратилган. “Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Хомийлик тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар бугун фуқаролик жамиятининг ушбу йўналишини том маънода қўллаб-қувватлаб келмоқда. Биргина, охириги “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” қабул қилинган Қонунга биноан, ННТни давлат ўзининг грантлари, ижтимоий буюртмалари ва субсидиялари билан молиялаштири бошлади.

ННТ: ФАОЛИЯТДА МУҲИМ БОСҚИЧ

Юртимизда истиқлол йилларида мана шундай муассасаларга ҳам йўл очилди. Партиялар, ҳаракатлар қаторида турли уюшмалар, жамоат ва нодавлат ташкилотлари юзага келди. Бугун биргина ННТнинг сони беш мингдан ошиши ҳам уларнинг нечоғли салмоқли кучга айланганидан дарак бериб турибди. Улар қаторида “Қамолот” ЁИХ, Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” ва “Нуроний”, “Олтин мерос” жамғармалари, “Экосан” халқаро ташкилоти, “Тадбиркор аёл” уюшмаси сингари нуфузли ташкилотларни санаш мумкин. Албатта, гап нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳусусида кетса, улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини тил-

Яхши хабарлар

Самарқанд шаҳридаги “Ёшлар” марказида балиқчиликни ривожлантиришга бағишланган уч кунлик семинар бўлиб ўтди.

Балиқчиликка бағишланди

Вилоят балиқчиликни ривожлантириш ассоциацияси ва Туркия Иқтисодий кўмак ассоциацияси ёрдамида ташкил этилган мазкур анжуманда соҳа мутахассислари, вилоятдаги балиқчилик билан шўғулланувчи фермер ҳўжадилари раислари иштирок этишди. Улар балиқчилик соҳасидаги Туркия тажрибасини ўрганиш, балиқчи интенсиф йўли билан инкубацион цехларда қўпайтириш борасида фикр алмашилди. Семинар сўнггида фермерлар ва мутасадди ташкилотлар ўртасида истиқболли шартномалар имзоланди.

С. РАСУЛОВ.

Беқободнинг харидорғир пуркагичлари

Беқобод туманидаги “Далвардин таъмирлаш заводи” корхонасида турли русумли дивантелар ва техникаларни созилаш билан бир қаторда, қишлоқ ҳўжалиги зарарланган дала ва ёввойи ўтларга қарши курашишда асосланган пуркагичлар ишлаб чиқариш улаштирилди. Бу аргатларнинг нархи 3,5 миллион сўм бўлиб, ҳориддан келтирилган турдошларига нисбатан қарийб икки баравар арзон.

Жамоат ахли шу йил бошидан бунен харидорларга 50 та ана шундай мослама етказиб берди.

Абдунаби ХАЙДАРОВ, “Халқ сўзи” мухбири.

Сифатли ва арзон

Янгиқўрғон туманидаги Навкент қишлоғи ахли қурилиш ашёси — гишт масаласида энди қийналмайдиган бўлди.

Чунки ҳудуддаги “Арафамасбулия” чекланган жамияти ишга туширган янги технология жўхозлар ёрдамида пишчи ва арзон маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди.

Қишлоқ ишбилармонлари “Ўзсанатқурилиш” банкидан олган кредит ҳисобига Хитойдан келтирилган замонавий технология линия кўнига 30 миң донага ҳам маҳсулот чиқариш имкониятига эга. Айни паллада хориқлар шериқлар ёрдамида қуватларни улаштириш жадал давом эттириляпти. Дастлабки маҳсулотнинг сифати чакки эмас. Биноқорлар талабига тўла жавоб берадир. Маҳаллий аҳоли орасидан жалб қилинган 40 нафар ёшлар янги технология қисқа фурсатда улаштириб олишди. Корхона тўла қуватга эришган, ишловчан сони қарийб икки баравар орта.

Қудратилло НАҲМИДДИНОВ, “Халқ сўзи” мухбири.

ФЕРМЕРЛАР ТОРТИФИ



Пойтахтимиздаги “Фарҳод” дехқон бозорига Андижон вилояти дехқонларининг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари савдо-ярмаркаси давом этамоқда. Унда

Қўрғонтепа, Булоқбоши, Пахтабод, Марҳамат, Олтинқўл туманлари фермерлари, айниқса, фаол иштирок этапти.

Жараён

— 7 гектар экин еримиз бор, — дейди фермер Бахтиёр Ғаниев. — Ярмаркага помидор, бодридан ташқари, сабзавот маҳсулотлари ҳам олиб келдик. Нархи арзон эмасми, савдодан қўлимиз-қўлимизга тегмапти. Харидорларнинг раҳматини эшитиб, очиги, чарчоқларим чиқиб кетади.

Савдо-ярмаркаси йил охиригача давом этади. Бу даврда жами 52 миң тонна қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари келтириш мўлжалланган. Бугунга қадар шунинг 18 миң тоннаси пойтахт аҳолисига тортиқ қилинди.

СУРАТЛАРДА: савдо-ярмарка фаолиятдан лавҳалар.

Б. АКРАМОВ олган суратлар.

Саломатлик — туман бойлик. Тан саломати — жон роҳати. Соғлиқ-саломатлик ҳақида гап борганда, халқимизнинг бу каби ҳикматларини яна қўллаб келтириш мумкин. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, халқимиз турмуш шароитини яхшилашга қаратилган изчил чора-тадбирлар тизимида соғлиқни сақлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш алоҳида ўрин тутади.

Юртимизда тиббий хизмат кўрсатиш тизими тўлиқ қайта қуриб чиқилди. Аҳолига бепул шошилини ва юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун энг юксак талабларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган шифохона ва бўлимлар тармоғининг ташкил этилиши бу босқичнинг самарали натижаларидан бўлди. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўлинида, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар рўй берди — замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган 3 миңдан зиёд қишлоқ врачлик пункти бунёд этилди.

Юртимизда янги ташкил этилган соғлиқни сақлаш тизимида энг юксак замонавий тиббиёт технологиялари ва техникаси билан таъминланган ихтисослашган клиникалар муҳим ўрин тутади. Шуниси эътиборлики, бугун Ўзбекистонда чечак ва ич терлама, ўлат ва вабо каби юқумли касалликларга бутунлай барҳам берилди. Уттан давр мобайнида аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси сезиларли равишда ортганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Шу билан бирга, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлагандек, оддий, аммо муҳим бир ҳақиқатни — одамзотнинг соғлиғи кўп жиҳатдан, аввало, унинг ўзини боғлиқ эканини унутмаслик лозим. Бунинг учун инсон ўз ҳаётининг оқилона йўлга қўйиши зарур. Зеро, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш, аввало, соғлом ҳаёт тарзи ва турмуш маданиятини талаб қилиши табиийдир. Бошқача айтганда, давлат, ҳокимият идоралари, соғлиқни сақлаш муассасалари бу масалага қанчалик эътибор бермасин, ҳар қайси одамнинг бу масала бўйича қарашини ўзгартирмаддан туриб, иқобий натижаларга эришиш мумкин.

Оммавий ахборот воситалари маълумотларига қараганда, Осиёнинг қатор мамлакатларида энтеровирусли инфекция тарқалиши қайт этилган. Вирусли инфекциялар сайберизмда энг кенг тарқалган касаллик турларидан бўлиб, бошқа барча микроорганизмлар сингари ўзи учун қўлай шароитда, яъни инсон иммунитетини па-

СОҒЛИҚИМИЗНИ АСРАШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Санитария ва гигиена қондаларига қатъий риоя этиш юқумли касалликлардан химояланишнинг оддий ва ишончли кафолатидир

сайиб, химоя функциялари заифлашганда, шахсий гигиена қондалари бузилганда касалликни қўзғатувчи фаолиятини бошлайди. Энтеровирусли инфекция зарарланган озиқ-овқат, тоза ювилмаган қўл, турли ташки муҳит объектилари орқали юқади.

Мутахассисларнинг қайд этишича, Осиёнинг айрим мамлакатларида кузатилаётган хавфли энтеровирусли инфекция тўғрисида юзага келган бирорта ҳам касаллик Ўзбекистонда рўйхатга олинмаган. Жяхон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан таъкидланган маълумотларига кўра ҳам мамлакатимизда барқарор эпидемиологик вазият барқарор турибди. Албатта, буларнинг сарқиси Юртобшимиз ташаббуси билан юртимизда аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида амалга оширилаётган аниқ мақсадли фаолиятнинг бир қисми ҳисобланган профилактика ва соғломлаштириш ишларининг яқол самарасидир.

Турли ичак касалликларининг тарқалиши авж олиши мумкин бўлган ёшнинг иссиқ кўнларида мамлакатимизда эпидемияга қарши ишлар янада кучайтирилган. Бу борадаги ишлар маҳаллий ҳокимият органлари, транспорт ва сайёҳлик компаниялари, корхоналар, ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари иштирокчида амалга оширилмоқда. Республикада аҳолини турли хавфли инфекциялардан тўлиқ химоя қилиш учун барча зарур чора-тадбирлар қўрилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш

вазирлигига қарашли Республика давлат санитария-эпидемиология назорати марказидан маълум қилишларича, болалар, таълим ва даволаш муассасалари, транспорт, одамлар тўпланадиган жойлар, жумладан, бозорлар, овқатланиш ва савдо корхоналари, темир йўл ва автобекатлар, аэропортлар, давлат чегараларимизда санитария-назорат пунктлари куну тун ишлаб турибди. Санитария шифокорлари мамлакатимизга келаятган фуқаролар соғлигини, кел-

тирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва бошқа товарларнинг эпидемиологик хавфсизлигини синчиқлаб текширмоқда. Санитария шифокорлари бошланғич соғлиқни сақлаш бўғинлари, қишлоқ врачлик пунктлари ҳудудлари билан бевосита ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ёз мавсумида соғломлаштириш оромгоҳларида профилактика чораларига риоя қилиш устидан назорат кучайтирилгани ҳам айни ана шундай чора-тадбирлардандир.

Шу ўринда мамлакатимизда истиқлол йиллари ҳайрли анъаналарга айланган хашарларнинг аҳамияти нечоғли улкан эканини таъкидлаш жоиз. Бундай оммавий тадбирлар чоғида хонадонлар ортастайи, маҳалла ободлиги, кўча ва сайёҳчиликнинг тартибдорлигини таъминлашга, ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ҳамда тозалик ишларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу бир томондан, миллий қадрият ва анъаналаримизни улайиб келаятган авлод оғ-шўрига янада чуқурроқ синдириш, ёшларнинг миллий истиқлол гоялари ва Ватанга садоқат, халқимизнинг азалий анъаналарига эҳтиром рўйида тарбиялашга кўмаклашса, иккинчи томондан, кишиларимизда покиза ва соғлом турмуш маданиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шаҳарларимиз уй-жой-коммунал ҳўжалиги мингалаб замонавий ва қўлай чиқит қилари билан таъминланган. Бу ҳозирги кунда наинки соғлом ва озода турмуш тарзига, аяни чоғда, ҳеч қимдан кам бўлмаган ҳаётга интилишлари-

миз юксак самаралар бераётганлигини яқол кўрсатиб турибди.

Албатта, тегишли ташкилотлар томонидан қўрилаётган бундай кенг қўламли чора-тадбирлар ўз самараларини бермоқда. Аммо бу асло бепарволикка берилиш керак дегани эмас. Бу йилги пишиқчилик мавсумида ҳар биримизнинг санитария ва гигиена қондаларига қатъий риоя этишимиз юқумли касалликлардан ишончли химояланишнинг оддий ва ишончли кафолати эканини унутмаслигимиз заркор. Зеро, тиббиёт даркори, Зеро, тиббиёт амалиётига кўра, ҳар қандай инфекцияга қарши курашнинг асоси — бу эпидемияга қарши энг замонавий усуллардан фойдаланиш ҳўлда, уларнинг олланган олиш, соғлом турмуш дини қилиш, оддий санитария ва гигиена қондаларига амал қилиш, одамларга, айниқса, фарзандларимизга бунинг муҳиятини кенг тарғиб этиш ва тушултиришдан иборат.

Шу боис бозорларимизда, умумий овқатланиш муассасаларида тўшт, сит, мена-чева ларида маҳсулотларини сотаядиганлар ҳам, уларни истеъмол қилаётганлар ҳам, аввало, маҳсулотнинг тозаллиги ва озодаларига алоҳида эътибор қаратиши, маҳсулотларни сақлаш ҳамда сотиш жараёнида санитария-гигиена қондаларига қатъий амал қилишлари зарур.

Айни пайтда, ёнги таътилга чиққан фарзандларимизнинг турри келган жойлардаги сув ҳавзаларида қўйилишининг олдини олишимиз ҳам уларни юқумли касалликлардан химоя қилишнинг энг ишончли йўлларидандир. Шўрчи, бугун мамлакатимиз шаҳар-қишлоқларида халқаро стандартлар талаблари асосида бунёд этилган, тоза-озода сувиз ҳавзалари ва бассейнлар кўп. Уйил-қуларимизни бундай замонавий спорт иншоотларига жалб этишимиз уларнинг соғлом ҳаёт тарзига интилишини кучайтириб, турмуш маданиятининг юксалишига хизмат қилади.

Инсон — табиатнинг буюк мўъжизаси. Инсон ўз соғлигини асраган тақдирда табиатни, ҳаёт давомийлигини асраган бўлади. Шундай экан, ҳар бир инсон ўзи ҳақида ўйлаши, соғлиғи ҳақида қайғуриши, ўзини ўзи қадрлаши фарз ва қардир. Юртобшимиз таъбири билан айтганда, Аллоҳ таоло берган соғлигимизни асрайлик. Чунки соғлом одамгина чинакам бахтли бўлади, чунки факат соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади.

Гулном МИРЗО, ЎЗА шарҳловчиси.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Вазият мушкуллашмоқда

Дунёдаги 25 та йирик халқаро авиокомпания ёниги-моилаш маҳсулотлари нархи кескин ошгани боис қийин вазиятга тушиб қолган.



Бу ҳақда Халқаро ҳаво транспорт ассоциацияси (IATA) вакили Энтони Коунсил маълумот берди.

Утган йилларда мазкур компанияларнинг ёниги-моилаш маҳсулотларига сарфлаган харажатлари умумий даромаднинг 13 фоизига тенг келар эди.

Шундай бўлса-да, "Singapore Airlines" ўзининг 18 соат давом этадиган "Сингапур-Нью-Йорк-Либерти" йўналишидаги рейсини амалга оширишда давом этаётир.

Истеъфо илинжи

Буюк Британия ҳарбийларининг кўчилиги истеъфого чиқиш тарафдори экан.



Мамлакат Мудофаа вазирлиги томонидан 24 минг нафар ҳарбий хизматчи иштирокида ўтказилган сўроновомадан сўнг шундай хулосага келинди.

"The Times" газетасининг ёзишича, 47 фоиз солдат ва офицерлар доимо истеъфого чиқиш ҳақида ўйлашар экан.

Кутатувчилар фикрича, Афғонистон ва Ироқ каби давлатлардаги йўқотишлар инг-

лиз ҳарбийларини шундай қарорга келишига сабаб бўлмоқда. Тасдиқланган маълумотларда келтирилишича, 2007 йилда Афғонистон ва Ироқда 35 нафар Буюк Британия аскарлари ҳалок бўлган.

Энг кўп ўғирланаётган машиналар

"Forbes" журналида дунёда энг кўп ўғирланаётган машиналар рўйхати эълон қилинди.



Унга кўра, юқори поғонадан Японияда ишлаб чиқариладиган "Honda" русумли машиналар жой олди.

"Toyota Camry", "Ford F-150 Series", "Chevrolet C/K 1500", "Acura Integra", "Dodge Ram Pickup", "Nissan Sentra", "Toyota Pickup", "Toyota Corolla".

Сабрсиз хонимлар

Швецияда аёллардан кўра эркеклар сабрли кўринади.



"CrunchGear"нинг хабар беришича, мамлакатда Интернет тармоғининг секин ишлаши эркекларга нисбатан аёлларнинг гашига кўпроқ тегадир.

Узига хос ўтказилган сўровлар шуни кўрсатдики, 66 фоиз аёллар юқоридаги муаммодан газабланиб провайдер раҳбариятига мурожаат этган.

Эркекларнинг эса 56 фоизига бунга муносабат билдирган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, авваламбор, давлатимизнинг сиёсий ва иқтисодий қудратини янада юксалтириш ва шу орқали халқимиз турмуши фаровонлигини янада оширишга қаратилганлиги барчамизга кундек

равшан. «Асака» Давлат акциядорлик тижорат банки ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчиси сифатида ўзининг салмоқли улушини кўшмоқда.

Асака банк:

ИШОНЧЛИ КЎМАҚДОШ

даги омонатлари қолдиги эса 24,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Хозирги кунда банк филиалларида очилган махсус кассалар орқали аҳолидан коммунал хизматлар учун тўловларни қабул қилиш йўлга қўйилган.

«Асака» банк жажоннинг 290 етакчи хорижий банклари билан вакиллик муносабатларига эга.

2008 йил биринчи 1 ярим йиллик иш фаолияти юқунларига кўра, банк активлари миқдори 13,5 фоизга ўсиб, шу йил 1 июль ҳолатига 1,3 трлн. сўмга тенг бўлди.


Утган давр мобайнида банк миқозлар миқдорини кўпайтириш бўйича фаол иш олиб бори.

Аҳоли маблағларининг банк омонатларида қолдиги 100,3 млрд. сўмни ташкил этди.

бўлса, хозирги кунга келиб уларнинг сони 8,3 минг данадан ошди.

Утган даврда кичик ва хусусий бизнес сектори лойиҳаларини молиялашга алоҳида эътибор берилди.

Молия муассасаларида



нинг мазкур секторини янада ривожлантиришга қаратилган иқтисодий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда, банк ўз кредит сиёсатида кичик ва хусусий бизнес субъектларига қўшимча миқдорда молиявий маблағлар йўналтиришни белгиледи.

Кичик бизнес субъектларига берилган миллий валютадаги кредитлар 40,2 млрд. сўм бўлиб, уларнинг қолдиги 51,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Агар соҳани ривожлантириш ҳамда иқтисодий ва молиявий барқарор қишлоқ хўжалиги корхоналарини ташкил этиш мақсадида банк 33 дона қишлоқ хўжалиги техникаси учун 2,7 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратди.

Хар қандай банкнинг қудрати, рақобатбардорлиги ва обрўйи унинг ҳодимлари малакаси билан белгиланади.

Шунинг учун ҳам, ҳодимлар «Асака» банкнинг энг муҳим активларидан биридир.

Банкнинг 38 нафар мутахассиси банк Молия академиясида, 12 нафар мутахассиси Германия, АҚШ, Буюк Британия, Италия университетларида малака оширди.

Эришилган ютуқлар натижасида «Асака» Давлат акциядорлик тижорат

банкига жаҳонда энг нуфузли ҳисобланган «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлиги томонидан қуйидаги рейтинг баҳолари берилди:

Эмитентнинг рейтингини — «В» Кўска мuddатли рейтингини — «В» Сақлаш Рейтингини — «4» Даражаси сақлаш рейтингини — «В» Умумий узоқ мuddатли истиқбол — «Барқарор».

Юқори кредит рейтингини тақдим этилиши эмитентнинг («Асака» банк) ўз молиявий мажбуриятларини, яъни фойз тўловлари, имтиёзли акциялар бўйича дивиденд тўловлари, кредит бўйича асосий қарзни сўндириш, сугурта зарарларини тартибга солиш ва контрагент мажбуриятларини ижро этиш бўйича бўлган молиявий мажбуриятларини ўз вақтида ижро этиш қобилиятини дадалат беради.

Жажоннинг ривожланган давлатлари, шу жумладан, МДҲ давлатларида банкнинг рейтинг кўрсаткичлари пасаяётган бир пайтда халқаро рейтинг агентликлари томонидан Ўзбекистон банк тизимига юқори рейтинг баҳо-сини берилиши, бу аввало, мамлакатимиз Президентининг банк тизимига бўлган алоҳида эътибори, уни янада ривожлантириш бўйича билдирган гаплари натижасидир.

Эришилган юқори рейтинг баҳоси банк томонидан амалга оширилган ижобий ишларнинг эътифори бўлди дейиш мумкин. «Асака» банк жамоаси келгусида ҳам миқозларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини янада яхшилаш мақсадида тақдим қилина- жак банк маҳсулотлари ва хизмат тур- лари кўлимини кенгайтириш ҳамда ички ва ташқи бозорда эгаллаб турган мав- кеини янада мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни давом эттиради.

«Асака» Давлат акциядорлик тижорат банки матбуот хизмати.

INDIA MINITEX-2008 KO'RGAZMASI. Tashkilotchilar: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TIAISI, O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MONOPOLIYADAN CHIQARISH DAVLAT QO'MITASI, NSIC, HINDISTON ELCHIKONASI.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ. 2008 йил 14 июлдан 12 августгача қуйидаги технологик ва музлатиш ускуналарини етказиб бериш бўйича тендер савдолари ўтказилиши ҳақида эълон қилади.

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ «КЧМ». РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ.

ООО «Росагропромснаб» предлагает СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1» СЧЕТЧИКИ ГАЗА вихревые СВГ.М.

ТАШКИЛОТ СОТАДИ KIA Spectra 19500\$. Тўлов нақд пулда. Етказиб бериш мuddати — икки ҳафта.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади: вазирлар, давлат қўмиталари ва илораларнинг умумий ҳужумий туслаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида тўртинчи 2008 йил 14 июлдан 4 июлгача бўлган маълумот.

Спорт • Sport • Спорт

2-6 июль кунлари Ямнинг Сана шаҳрида дзюдо бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган Осиё биринчилигида муваффақиятли иштирок этган спортчиларимиз юртимизга қайтиб келишди.

Дзюдочилар муваффақияти

Қитъа биринчилигида ўсмирлардан Уллубек Азизов (55 кг.) олтин, Юрий Хабаров (81 кг.) кумуш, Азиз Курбон (66 кг.), Абдухамид Абдужалилов (46 кг.) ва Мансур Мўминхўжаев (55 кг.) бронза медаллар соҳиби бўлишди.

«Осиё болалари»дан иккита медаль

Саха шаҳри (Россия)да давом этаётган IV «Осиё болалари» спорт ўйинларида эркин курашчиларимиз ҳам совриндорлар сафидан жой олишди.

Жумладан, Шукрулла Дадажонов (35 кг.) кумуш, Олим Тошкенбоев (42 кг.) эса бронза медал билан тақдирланди.

Матбуот маркази иш бошлади

Пекин (Хитой)да ёзги Олимпиада ўйинларини ёритиб борадиган матбуот маркази иш бошлади, деб хабар беради «DPA» агентлиги.

Ташиқчиларнинг фикрича, бу ерда чет эллик журналистлар интернет тармоғидан тезкорлик билан фойдаланиши учун барча имкониятлар яратилган.

Маълумотларда айтилишича, Пекинда бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларини 25 минг нафар оммавий ахборот воситалари ходимлари ёритиб бориши кутилган.

3. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

«СУВ ПАРИ»ЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА



«Олимпиадада қатнашсам, дейман»

Бир вақтлар хотин-қизларнинг спорт билан шуғулланиши ҳақида гап кетганда кўпчиликка эриш туюларди. Ҳозир вазият бутунлай бошқача.

Буни Истиклол шарофати, Мустақиллик инъоми десак, муболага бўлмайди. Аҳамиятлиси, халқро турнирларда зафар кучаётган хотин-қизлар орасида чекка-чекка худудларда истиқомат қилаётган юртошларимиз ҳам кўпчиликини ташкил этади.

У спорт сир-асрорларини вилоят касба уюшмалари жисмоний тарбия спорт жамиятига қарашли 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббийлар

Бахтиёр Фойлов ва Солий Қаландаровдан ўрганди. Мақсад сари олға интилишни ўзига шиор қилиб олган Хуршида устозларини тезда ўз галабалари билан хушнуд қила бошлади.

Айни пайтда Урганч Олимпия заҳиралари коллежиде таҳсил олаётган Хуршида ўз устиде ишлашни қанда қилмапти.

Пўлатбек БЕКМЕТОВ.

Куни кеча Санкт-Петербург (Россия)да спортнинг нафис ва жозибадор турларидан ҳисобланган синхрон сузиш бўйича жаҳон чемпионати бошланди.

Унда юртимиз шарафини халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этган Анастасия Рўзметова ва Динара Ибрагимовалар ҳимоя қилишмоқда.

Нуфузли мусобақада, ҳамюртларимиздан ташқари, Россия, Австрия, Аруба, Беларусь, Бразилия, Буюк Британия каби 30 га яқин мамлакатдан келган 225 нафар синхрон сузиш спортчи усталари баҳс юртимокда.

Мусобақа голиблари 15 июль кунини маълум бўлади.

Ўтказилган Ўзбекистон чемпионатларида бронза медаллари совриндори бўлди.

Албатта, бир вақтнинг ўзиде икки спорт тури мусобақаларида иштирок этиш ҳар қандай спортчидан катта матонат талаб этади.

— Ҳозир кўпроқ дзюдо бўйича машғулотларда қатнашаётган, — дейди у. — 2012 йили Лондон шаҳрида ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилишни мақсад қилиб қўйганман.

— Ҳозир кўпроқ дзюдо бўйича машғулотларда қатнашаётган, — дейди у. — 2012 йили Лондон шаҳрида ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилишни мақсад қилиб қўйганман.

Сеулдаги халқаро кўрғазмада ўзбекистонлик ёш рассомлар иштироки



Корея Республикасининг пойтахти — Сеул шаҳрида Болалар суратлари XIV халқаро кўрғазма-биеннализ бўлиб ўтди.

Кўрғазманинг тантанали очилиш маросимида Корея Республикасининг бир қатор вазирилик ва идоралари, Сеулда аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Нуфузли танловда қатнашиш учун жаҳоннинг 85 мамлакатидеги 4 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалардан қарийб

24 мингга ариза келиб тушди. Мазкур кўрғазма асосини танловнинг голиб ва совриндорлари бўлган 200 нафар ёш рассомнинг энг сара асарлари ташкил этади.

Кўрғазма меҳмонларида турли жанрларда ишланган ранг-баранг суратлар орасидан ўзбекистонлик ёш тасвирий санъат устозларининг иқод намуналари — 9 ёшли Марина Михайляничининг «Тўй» ҳамда 11 ёшли Роман Голубевнинг «Ўзбекистон менинг

Ватаним» асарлари, айниқса, катта таъассурот қолдириди.

Жанубий Кореянинг Донгвон таълим жамғармаси президенти Ким Жечил Ўзбекистонлик танлов иштирокчиларининг истеъдодига юксак баҳо бераётган экан, жумладан, шундай деди:

«Бу суратларни томоша қилиб, ватанга муҳаббат, маданий-тарихий, маънавий қадриятлар, шунингдек, кўп асрлик оилавий аъёнларга ҳурмат руҳида қамол топаётган ўзбекистонлик

болаларнинг бадиий истеъдодини алоҳида қайд этиш лозим».

Тадбир ташкилотчилари болалар бадиий ижодини оммалаштириш ва фаоллаштириш, жаҳон халқлари маданий алоқаларини мустаҳкамлаш, истеъдодли ёш рассомларни аниқлаш мақсадида ўтказиб келинаётган Болалар суратлари XIV халқаро кўрғазма-биеннализидан жой олган экспозицияларни бир ой давомиде Япониянинг Канагава префектурасида ҳам намойиш этишни режалаштирмоқда.

«Жаҳон» АА. Сеул

Advertisement for NURON servers and computers. Includes text: 'Успех-дело техники!', 'FUJITSU COMPUTERS SIEMENS', 'NURON', 'Всемирная гарантия 3 года', 'Серверы и компьютеры для решения любых задач', 'Производительность', 'Сделано в Германии'.

Хизмат қонун доирасида бўлсин

Бугун машиналар узоғимизни яқин, мушқулларимизни осон қилмоқда. Улар орасида йўловчиларга беминнат хизмат кўрсатаётганлари қанча. Шу боис нафақат шаҳарда, узоқ кишлоқларда ҳам йўловчи йўлда қолмайди.

Оқдарёлик солиқчилар яқинда туман прокуратураси ва йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари билан ҳамкорликда бу борадаги тегишли қарорларнинг қай даражада бажарилаётганини юзасидан текшириш ўтказди.

Назорат

унчалик узоқ эмас. Шу боис лойишликлар хатто бозор-йўнорга ҳам Самарқандга келишга одалганидан. Хар қуни турли юмушлар билан вилоят марказига келиб кетувчиларнинг эса адоғи йўқ.

Оқдарёлик солиқчилар яқинда туман прокуратураси ва йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари билан ҳамкорликда бу борадаги тегишли қарорларнинг қай даражада бажарилаётганини юзасидан текшириш ўтказди.

Унда кўплаб транспорт эгаларининг давлат рўйхатидан ўтмай ва махсус рухсатномага эга бўлмай туриб, аҳолига хизмат кўрсатаётгани аниқланди.

Маълумотларда айтилишича, Пекинда бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларини 25 минг нафар оммавий ахборот воситалари ходимлари ёритиб бориши кутилган.

лат солиқ инспекциясининг бошлиғи Асадулло Аҳмедов. — Бу эса, ўз-ўзидан, ҳолат-барорларга қўл келди. Лекин уларнинг аксарии аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатиш учун амалдаги қонун-қодалар асосида рўйхатдан ўттишни, ишлаб топаётган маблағидан давлатга солиқ тўлашни ўзлари учун ортиқча деб билишди.

Текшириш натижаларидан маълумки, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланаётган «тадбиркор»ларнинг аксариятини «Дамас» ҳайдовчилари ташкил этади.

Абдурашул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for Nissan Tiida. Includes text: 'NISSAN TIIDA КОМФОРТ В ДВИЖЕНИИ', 'NISSAN TIIDA', 'Превосходная динамика и элегантный просторный салон.', 'СПЕЦИАЛЬНОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ от официального дистрибьютора Nissan в Узбекистане — компания Premium Auto, ☎ 295 88 77: цена от \$ 31 000*, гарантия — 2 года или 50 000 км пробега + ПОДАРОК.'

Large advertisement for PerfectumMobile. Includes text: 'ДИҚҚАТ: АКЦИЯ!', 'ФАҚАТ ИЮЛЬ ОЙИДА УЛАНГАНЛАР УЧУН!', '"Мистер Бонус!" ЙИЛ ОХИРИГА ҚАДАР!', 'ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ БАРЧА ҚЎНҒИРОҚЛАРГА +1200 БЕПУЛ ДАҚИҚАЛАР БОНУС ортиқча бўлмайди', 'PerfectumMobile (8598) 305-1111'.

Small advertisements and notices. Includes: 'Халқ сўзи Народное слово', 'Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ', 'Газета таҳририят компьютер марказида териялди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.', 'МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров. Навбатчи — Қ. Хидиров. Мусахҳах — Ш. Машраббоев.', '«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.00 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5 6 7 8 9'.